Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 3 февраль, № 25 (8087) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ — ҲАММАМИЗНИНГ ИШИМИЗ ВА ИНСОНИЙ БУРЧИМИЗДИР

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2 февраль куни чиқиндилар билан ишлаш тизими ва экологик ҳолатни яхшилаш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш борасидаги долзарб вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилиш аввалида давлатимиз раҳбари жамоатчиликка мурожаат қилди:

— Ёшлигимиздан биламизки, ота-оналаримиз ҳовлини, атрофни пок сақлаш кераклигини айтарди. Халқимиз азалдан тупроқни, сувни, табиатни муқаддас деб билган. “Бирни кессанг, ўнни эк” деган доно мақол ҳам бежиз айтилмаган. Дарахт эккан одамга унинг савоби тегиб туради, дейилган. Оилада фарзанд дунёга келса, унга атаб ниҳол экилган.

Дунё миқёсида саноат юқори даражада ривожланган XXI асрда экология билан боғлиқ муаммолар биринчи даражали муаммо сифатида кун тартибига чиқмоқда. Авлодларимиз биздан кейин ҳам муносиб табиий муҳитда яшаши керак. Бунинг учун биз табиатга эътибор беришимиз, фақат бугунни эмас, яқин ва узоқ келажакни ўйлаб иш тутишимиз зарур.

Энг муҳим масала — аҳолининг экологик маданиятини ошириш. Бугун кўчага ёки исталган жойга қаранг. Ҳамма жойда одамлар ташлаб кетган чиқиндиларни кўрасиз. Биз она юртимизни муқаддас деймиз. Нима учун уни тоза-озода сақламаймиз? Ахир, муқаддас китобларимизда ҳам “Поклик иймондандур” дейилган.

Нега бу масалада оммавий ахборот воситалари, маҳалла фаоллари бонг урмаяпти? Қани нуронийларимиз, жамоатчилигимиз?

Албатта, бундай муаммоларни фақат маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмайди. Бунга ёш авлод қалбида она табиатга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин. Маҳаллада, кўчаларда чиқинди ташлаган кишини кўрганда “Бу ишингиз нотўғри бўлди”, дейдиган муҳитни шакллантиришимиз, одамларни бунга ўргатишимиз керак. Бу — ҳаммамизнинг ишимиз ва инсоний бурчимиздир, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда шу борадаги долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Таҳлилларга кўра, деярли барча давлатларда қаттиқ маиший чиқиндилар миқдори аҳоли жон бошига ҳар йили 1 фоизга ортиб бормоқда. Мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий ўсиш ҳисобига бу кўрсаткич 7 миллион тоннага етиб, йилига 2 фоиздан ўсмоқда.

Лекин уларни йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва утилизация қилиш аҳволи қониқарли эмас. Мисол учун, Қорақалпоғистонда 10 фоиз, Фарғона ва Қашқадарёда 20 фоиз чиқинди қайта ишланади, холос. 781 та маҳаллада чиқиндиларни олиб чиқиш масаласи ҳал этилмаган. Аҳолининг бу соҳадаги хизматлар бўйича дебитор қарздорлиги ҳам кўп. Тиббиёт ва таълим муассасалари, бозорлар учун 19 минг дона чиқинди контейнерларига эҳтиёж бор.

Қурилиш чиқиндиси полигонлари ташкил қилинмай, улар йўл, дала ёки дарё бўйларига ташлаб кетилмоқда. Ўтган йили 4 мингта ҳолатда қурилиш чиқиндилари нотўғри жойга ташлаб кетилгани аниқланган.

Худди шу каби, маҳалла, массив ва хиёбонлар ҳудудидаги барг ва дарахт шохларини йиғиштириш билан шуғулланадиган мутасадди йўқ. Бу масалани ҳамма бир-бирига ташлаш билан овора. Тиббиёт чиқиндиларини сақлаш, ташиш ва зарарсизлантириш бўйича ҳам ягона тизим мавжуд эмас.

Умуман, юртимиздаги 197 та чиқинди полигонининг бирортаси санитария ва экология талабларига жавоб бермайди, 24 таси тўлиб бўлган.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда вилоят ҳокимларига чиқинди полигонларини тартибга келтириш, ресурсини ўтаб бўлганларини кўмиш бўйича топшириқ берилди. Бундай полигонлар ташкил этиш ва уларни ёпишга оид қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Маиший чиқинди тўплаш қамровини 95 фоизга, қайта ишлаш ҳажмини 40 фоизга етказиш вазифаси қўйилар экан, бунинг учун имконият ҳам яратилди. Хусусан, энди импорт қилинадиган техника, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар божхона божидан 3 йил муддатга озод этилади. Саралаш ва қайта ишлаш техникалари хариди учун 5 йилгача имтиёзли кредитлар ажратилади ва қайта молиялаштириш ставкасидан ошган қисми қоплаб берилади. Бу ишлар учун халқаро молия институтларининг имтиёзли маблағлари ҳисобидан 5 йил муддатга босқичма-босқич 500 миллиард сўм кредит ажратилади.

Бу соҳадаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш зарурлиги айтилди. Қайта ишлаш қуввати бор кластерларга ер, молмулк ва ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз қилиб белгиланди. Бунинг эвазига уларга ўз ҳудудидаги чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини камида 40 фоизга олиб чиқиш талаби қўйилди.

Туман ва шаҳарларда давлат-хусусий шериклик асосида шундай корхоналар ташкил этиш, ҳудудлар учун 500 та махсус транспорт олиб келиш, ижтимоий муассасалар ва бозорларга қўшимча контейнерлар ўрнатиш бўйича топшириқлар берилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳридаги “Махсустранс” корхонаси трансформация қилиниб, унинг негизида давлат-хусусий шериклик корхонаси ташкил этилади. Хорижий тажрибадан келиб чиқиб, маиший чиқиндиларга тўлов ундиришнинг янги тизими йўлга қўйилади.

Органик, қурилиш ва тиббиёт чиқиндиларини утилизация қилишнинг хавфсиз тизимини яратиш зарурлиги қайд этилди.

— Бу соҳани йил сайин такомиллаштириб бориш керак, чунки йил сайин янги муаммолар пайдо бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маълумки, 2021 йил ноябрда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси эълон қилиниб, 200 миллион туп дарахт кўчати экиш режалаштирилган эди. Бунга мувофиқ, кузда 85 миллион дона кўчат ўтқазилди. Кўплаб ташкилотлар, маҳаллалар, умуман, кенг жамоатчилик бу савобли ишда жонбозлик кўрсатди. Бу йил баҳор мавсумида 125 миллион дона дарахт кўчатларини экиш мўлжалланмоқда.

— “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бир йиллик тадбир эмас. Унинг доирасида келгуси беш йилда 1 миллиард туп дарахт кўчати экишни мақсад қилганмиз. Бу умуммиллий ҳаракатнинг натижаси ҳар бир маҳаллада кўриниши керак, бу савобли ишни ҳавас билан қилиш керак, — деди давлатимиз раҳбари.

1 мартдан “Яшил йиллик” умуммиллий тадбири бошланиши эълон қилинди. Ҳар бир ҳудуднинг иқлимига мос, кам сув талаб қиладиган кўчатларни танлаб, уларни етиштириш учун кўчатхоналарни кўпайтириш зарурлиги қайд этилди. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига 10 миллион дона мевали ва манзарали дарахт кўчатларини аҳолига бепул тарқатиш, Автомобиль йўллари қўмитасига халқаро ва республика аҳамиятидаги йўллар четида иҳота дарахтзорлар барпо этиш бўйича топшириқ берилди.

Мутасадди идораларга барча туман ва шаҳарларни қамраб оладиган “мобиль эко патруллар” фаолиятини йўлга қўйиш топширилди.

Йиғилишда соҳа мутасаддилари ва вилоят ҳокимларининг ахбороти эшитилди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Интеллектуал мулк объектлари тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 24 сентябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2021 йил 19 ноябрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган **«Кооперация тўғрисида»**ги 295–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 8, 193-модда; 1994 йил, № 2, 52-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 181-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 6, 300-модда; 2019 йил, № 5, 267-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **5-моддаси 2-бандининг биринчи хатбошисидаги** «кооператив жойлашган ердаги ҳокимликда» деган сўзлар «давлат хизматлари марказларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган **«Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»**ги 1062–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августда қабул қилинган 397–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 9, 158-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 355-модда; 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **3-модданинг иккинчи қисмидаги** «қоидалар қабул қилади ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

(Давоми 2-бетда).

Сенат қўмитасида

ЯНГИ ҚОНУННИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЛОЗИМ, ДЕГАН ТЎХТАМГА КЕЛИНДИ

Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасининг ишчи гуруҳи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Сенат аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, соҳага оид вазирлик ва идоралар ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар вакиллари иштирок этди.

Тадбир Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан киритилган “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги қонун муҳокамасига бағишланди.

Қайд этилганидек, қонун алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш борасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган. Бу ҳужжат фуқароларнинг, энг аввало, йигирма бир ёшга тўлмаган шахсларнинг соғлиғини алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг зарарли таъсиридан, бу билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий оқибатлардан ҳимоя қилишга, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтириш учун ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

2 3

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ПАРЛАМЕНТНИНГ ЎРНИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясидаги ташқи сиёсатнинг устувор мақсад ва вазифаларини амалга оширишда парламентнинг ўрни” мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати

Унда депутатлар, сенаторлар, Ташқи ишлар, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти, Марказий Осиё халқаро институти ходимлари, Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов Тараққиёт стратегиясида кўпгина соҳалар қатори мамлакатимизнинг очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсати билан боғлиқ бир қатор мақсад ва вазифалар ҳам қамраб олинганини таъкидлади. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси 2026 йилгача бўлган бунёдкорлик жараёнини қамраб олади ва йилма-йил амалга ошириб борилади.

3

Сенат ялпи мажлиси олдидан

ЧЕГАРА ҚЎШИНЛАРИГА ҚАНДАЙ ВАКОЛАТЛАР БЕРИЛМОҚДА?

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислоҳотларини кучайтиришга йўналтирилган қонун ижодкорлиги сифатини тубдан яхшилаш давлат тизимини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган. Зеро, ҳозирги ислоҳотлар даврида амалдаги қонунларни замон талаби асосида янада мукаммаллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Олий Мажлис Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун шу мақсадга қаратилгани билан алоҳида ажралиб туради.

Хўш, бу ҳужжатда нималар кўзда тутилмоқда, унда қандай янгиликлар бор?

Аввало, бу қонун Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати томонидан амалиётда турли муаммоли ҳолатларни келтириб чиқараётган қонунчиликдаги номувофиқликларни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилганлигини таъкидлаш зарур.

Амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 287-моддаси 2-бандига биноан, Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш, чегара қўшинлари қонуний талабига бўйсунмаслик, зарур ҳужжатларни тақдим этиш ҳақидаги қонуний талабларини бажармаслик ва бунга ҳар қандай кўринишда омма олдида даъват этиш ҳамда чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг ўз қонуний фаолиятини амалга оширишига қаршилик кўрсатиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда Чегара қўшинларига ҳуқуқбузарларни маъмурий йўл билан ушлаб туриш ваколати берилган.

Бироқ давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилиш давомида муайян қийинчилик ва муаммолар келиб чиқмоқда.

2

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ XXIII ЯЛПИ МАЖЛИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлиси 2022 йил 3 февраль куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Сенат мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис 3-4 февраль кунлари видеоконференцалоқа тарзида ўтказилиши режалаштирилган.

Ялпи мажлис “Ўзбекистон” ва “Узрепорт” телеканаллари, шунингдек, Сенатнинг www.senat.uz расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

8 та қонун, шунингдек, қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:

- Олий Мажлиси Сенатининг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлари ҳақида;
- Олий Мажлиси Сенатининг Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича комиссиясини ташкил этиш тўғрисидаги масала;
- Ҳудудларда янги иш ўринларини яратиш ишлари самарадорлиги устидан парламент назоратини амалга ошириш тўғрисида;
- Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги масала.

Эшитилади:

- Вазирлар Маҳкамасининг Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг ижроси бўйича ҳисоботи;
- Бош вазир ўринбосарининг қишлоқ хўжалигига сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ҳамда шу мақсадда ажратилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги тўғрисидаги ахбороти;
- Адлия вазирининг 2021 йилда давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолати тўғрисидаги ахбороти;
- Олий Мажлиси Сенати Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг 2020-2021 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.

Вазирлар Маҳкамасига Парламент сўровлари юборилади:

- Интернет жаҳон ахборот тармоғида ёшлар ва вояга етмаганлар учун миллий контентни ривожлантириш, уларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданияти ва зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш масалалари юзасидан;
- Мамлакатимизда газ баллонлари билан жиҳозланган автотранспорт воситаларининг хавфсизлигини таъминлаш ҳолати ва соҳага оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши юзасидан.

Парламент сўровлари натижалари муҳокама қилинади:

- Оқова сув тозалаш иншоотларида вужудга келаётган муаммо ва камчиликларнинг атроф-муҳит ҳамда аҳоли саломатлигига таъсири юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови.

«Халқ сўзи».

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

ОСМОНГА ҚАРАГАН ОДАМЛАР...

Улар нега ризқ-насибани ердан кутишмайди?

Сарлавҳани ўқиб, ажабланяпсиз, ахир шундай замондаям одам ризқни осмондан кутадими, “Берсанг ейман, урсанг ўламан” деб осмонга қараб ётиш кимга наф берибди, дейсиз, тўғрими? Унда нега Чироқчидаги Ғаллакор қишлоғи одамлари осмонга кўз тикишади, осмондан бермаса, ерда ҳеч нарса унмайди, дейишади?..

Бу саволга жавобни “Ғаллакор” МФЙ ҳудудидаги қишлоқларга борганимизда, тумандаги энг чекка ва олис ҳудуд одамлари билан юзма-юз гаплашганимизда жавоб топгандек бўлдик.

Уларнинг куюниб айтишича, ҳар бир хонадон ихтиёрида 60 сотиҳдан 1,5 гектаргача томорқа мавжуд. Оқар сув йўқлиги туфайли ерларнинг аксарият қисми бўш турибди. Тўғри, аҳолининг бир қисми лалми ғалла, мош ёки нўхат экади, аммо осмондан бермаса, қилган харажатига куйиб қолади-да...

3

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2022 йил 3 февраль

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Интеллектуал мулк объектлари тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2) қуйидаги мазмундаги **VI¹ бўлим** билан тўлдирилсин:

«**VI¹. Саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жарима солиш асослари ва тартиби, шунингдек юридик шахслар томонидан жаримани тўлаш тартиби**

33¹-модда. Саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик асослари

Тегишли патентланган саноат мулки объектини ўз ичига олган маҳсулотни ёки буюмни рухсатсиз тайёрлаш, қўллаш, импорт қилиш, сотишга таклиф этиш, сотиш, фуқаролик муомаласига бошқа йўсинда киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш, шунингдек ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулни қўллаш ёхуд ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулда бевосита тайёрланган маҳсулотни фуқаролик муомаласига киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш юридик шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Жарималар миқдорлари ҳуқуқбузарликларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида белгиланади.

Патент эгасининг аризаси асосида Агентлик саноат мулки объектларидан фойдаланиш ҳуқуқига риоя этилишини текширишни амалга оширади. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан ўтказиладиган текширувлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишувга кўра қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жарималар ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган тартибда ўтказиладиган текширувлар асосида Агентлик томонидан солинади. Бунда текширув давомида аниқланган ҳуқуқбузарлик тўғрисида далолатнома тузилиб, у тегишинча Агентликнинг ва ҳуқуқбузар юридик шахснинг (бундан буён матнда ҳуқуқбузар деб юритилади) мансабдор шахслари томонидан имзоланади.

Ҳуқуқбузар (унинг вакили) далолатномани имзолашни рад этган тақдирда, Агентликнинг мансабдор шахси ушбу фактни кўрсатилган далолатномага илова қилинадиган видеоёзув ёрдамида ёки икки нафар холис ҳозирлигида тасдиқлаши керак.

Ундирилган жарима миқдорининг ўн фоизи Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармасига, қолган қисми Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига йўналтирилади.

33²-модда. Жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилиш муддати ва уни ҳуқуқбузарга юбориш

Жарима солиш учун асос бўлган ҳуқуқбузарлик аниқланганлиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган кундан эътиборан беш иш куни ичида Агентлик ҳуқуқбузарга нисбатан ушбу Қонун 33¹-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган миқдорларда жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор Агентликнинг раҳбари (унинг ўрнини босувчи шахс) томонидан имзоланади ва бир иш куни ичида ҳуқуқбузарга юборилади.

33³-модда. Жаримани ихтиёрий равишда тўлаш

Жарима солиш тўғрисидаги қарор юборилган кундан эътиборан бир ой ичида ҳуқуқбузар ушбу қарорда назарда тутилган жарима суммасини ихтиёрий равишда тўлаши мумкин.

Жарима солиш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган жарима суммаси миқдорининг етмиш фоизи ҳуқуқбузар томонидан ихтиёрий равишда тўланган тақдирда, ҳуқуқбузар жариманинг қолган суммасини тўлашдан озод этилади.

33⁴-модда. Жаримани ундириш

Ҳуқуқбузар томонидан жарима суммаси ихтиёрий равишда тўланмаган тақдирда, Агентлик жаримани ундириш тўғрисидаги даъво аризасини судга белгиланган тартибда беш иш куни ичида беради.

Ҳуқуқбузар Агентликнинг жарима солиш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилишга ҳақли».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган **«Адвокатура тўғрисида»**ги 349–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 48-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2008 йил, № 12, 641-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2018 йил, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 1, 3-модда, № 5, 267-модда, № 9, 591-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **4-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

учинчи қисмидаги «адлия органлари» деган сўзлар «давлат хизматлари марказлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўнинчи қисмидаги «рўйхатдан ўтказувчи органни» деган сўзлар «адлия органини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган **«Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»**ги 267–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9–10, 178-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 9, 418-модда; 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **4-модданинг иккинчи қисмидаги** «тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) қуйидаги мазмундаги **37¹-модда** билан тўлдирилсин:

«**37¹-модда. Товар белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жарима солиш асослари ва тартиби, шунингдек юридик шахслар томонидан жаримани тўлаш тартиби**

Товар белгисидан, товар келиб чиққан жой номидан ёки улар билан адаштириб юборадиган даражада ўхшаш бўлган бир турдаги товарлар учун белгилардан қонунга хилоф равишда фойдаланиш юридик шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Жарималар миқдорлари ҳуқуқбузарликларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида белгиланади.

Ҳуқуқ эгасининг аризаси асосида Агентлик товар белгисидан ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига риоя этилишини текширишни амалга оширади. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан ўтказиладиган текширувлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишувга кўра қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жарималар ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган тартибда ўтказиладиган текширувлар асосида Агентлик томонидан солинади. Бунда текширув давомида аниқланган ҳуқуқбузарлик тўғрисида далолатнома тузилиб, у тегишинча Агентликнинг ва ҳуқуқбузар юридик шахснинг (бундан буён матнда ҳуқуқбузар деб юритилади) мансабдор шахслари томонидан имзоланади.

Ҳуқуқбузар (унинг вакили) далолатномани имзолашни рад этган тақдирда, Агентликнинг мансабдор шахси ушбу фактни кўрсатилган далолатномага илова қилинадиган видеоёзув ёрдамида ёки икки нафар холис ҳозирлигида тасдиқлаши керак.

Жарима солиш учун асос бўлган ҳуқуқбузарлик аниқланганлиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган кундан эътиборан беш иш куни ичида Агентлик ҳуқуқбузарга нисбатан ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган миқдорларда жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор Агентликнинг раҳбари (унинг ўрнини босувчи шахс) томонидан имзоланади ва бир иш куни ичида ҳуқуқбузарга юборилади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор юборилган кундан эътиборан бир ой ичида ҳуқуқбузар ушбу қарорда назарда тутилган жарима суммасини ихтиёрий равишда тўлаши мумкин.

Жарима солиш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган жарима суммаси миқдорининг етмиш фоизи ҳуқуқбузар томонидан ихтиёрий равишда тўланган тақдирда, ҳуқуқбузар жариманинг қолган суммасини тўлашдан озод этилади.

Ҳуқуқбузар томонидан жарима суммаси ихтиёрий равишда тўланмаган тақдирда, Агентлик жаримани ундириш тўғрисидаги даъво аризасини судга белгиланган тартибда беш иш куни ичида беради.

Ундирилган жарима миқдорининг ўн фоизи Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармасига, қолган қисми Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига йўналтирилади.

Ҳуқуқбузар Агентликнинг жарима солиш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилишга ҳақли».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 18 сентябрда қабул қилинган **«Фирма номлари тўғрисида»**ги ЎРҚ–51-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 493-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги мазмундаги **12¹-модда** билан тўлдирилсин:

«**12¹-модда. Фирма номлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жарима солиш асослари ва тартиби, шунингдек юридик шахслар томонидан жаримани тўлаш тартиби**

Фирма номидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш юридик шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Жарималар миқдорлари ҳуқуқбузарликларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида белгиланади.

Фирма номига бўлган ҳуқуқ эгасининг аризаси асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) фирма номидан фойдаланиш ҳуқуқига риоя этилишини текширишни амалга оширади. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан ўтказиладиган текширувлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишувга кўра, қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жарималар ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган тартибда ўтказиладиган текширувлар асосида Агентлик томонидан солинади. Бунда текширув давомида аниқланган ҳуқуқбузарлик тўғрисида далолатнома тузилиб, у тегишинча Агентликнинг ва ҳуқуқбузар юридик шахснинг (бундан буён матнда ҳуқуқбузар деб юритилади) мансабдор шахслари томонидан имзоланади.

Ҳуқуқбузар (унинг вакили) далолатномани имзолашни рад этган тақдирда, Агентликнинг мансабдор шахси ушбу фактни кўрсатилган далолатномага илова қилинадиган видеоёзув ёрдамида ёки икки нафар холис ҳозирлигида тасдиқлаши керак.

Жарима солиш учун асос бўлган ҳуқуқбузарлик аниқланганлиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган кундан эътиборан беш иш куни ичида Агентлик ҳуқуқбузарга нисбатан ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган миқдорларда жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор Агентликнинг раҳбари (унинг ўрнини босувчи шахс) томонидан имзоланади ва бир иш куни ичида ҳуқуқбузарга юборилади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор юборилган кундан эътиборан бир ой ичида ҳуқуқбузар ушбу қарорда назарда тутилган жарима суммасини ихтиёрий равишда тўлаши мумкин.

Жарима солиш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган жарима суммаси миқдорининг етмиш фоизи ҳуқуқбузар томонидан ихтиёрий равишда тўланган тақдирда, ҳуқуқбузар жариманинг қолган суммасини тўлашдан озод этилади.

Ҳуқуқбузар томонидан жарима суммаси ихтиёрий равишда тўланмаган тақдирда, Агентлик жаримани ундириш тўғрисидаги даъво аризасини судга белгиланган тартибда беш иш куни ичида беради.

Ундирилган жарима миқдорининг ўн фоизи Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармасига, қолган қисми Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига йўналтирилади.

Ҳуқуқбузар Агентликнинг жарима солиш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилишга ҳақли».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган **«Давлат божи тўғрисида»**ги ЎРҚ–600-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар) **23-моддаси** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабномага оид ҳуқуқни ва товар белгисига доир ҳуқуқларни резидентдан олувчи норезидент бўлган тақдирда, давлат божи (патент божи) норезидентлар тегишли ҳуқуқлардан бошқа шахс фойдасига воз кечганлиги (уларни бошқа шахсга ўтказганлиги) муносабати билан ўзгартишлар киритганлик (товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабномага оид ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечилганлиги муносабати билан аризачини ўзгартирганлик) ёки рўйхатдан ўтказганлик (товар белгиларига доир ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатга олганлик) учун белгиланган миқдорларда тегишинча тўланади».

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

9-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 2-моддасининг 2-банди, 4-моддасининг 2-банди, 5 ва 6-моддалари ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 2 февраль
№ ЎРҚ–749

ЧЕГАРА ҚЎШИНЛАРИГА ҚАНДАЙ ВАКОЛАТЛАР БЕРИЛМОҚДА?

Масалан, товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали божхона органлари томонидан белгиланган жойларни четлаб ёки божхона расмийлаштирувининг белгиланган вақтидан ташқари пайтда олиб ўтиш билан боғлиқ содир қилинган ҳуқуқбузарликлар божхона постларидан узоқ ҳудудда қайд этилгани аниқланганда, мазкур ҳуқуқбузарлик ҳолатларини тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштириш талаб қилинадиган вазиятлар юзага келмоқда.

Гап шундаки, қонунчиликда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар бўйича шахсларни ушлаб туриш ваколати Чегара қўшинларига берилмаганлиги боис ҳуқуқбузарлик материалларини тўлақонли расмийлаштиришда қийинчилик юзага келмоқда ҳамда шахслар ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказилишига сабаб бўлмоқда.

Шу боис мазкур қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 227²¹ ва 227²³-моддаларига тегишли ўзгартишлар киритилиб, Чегара қўшинларига ушбу моддаларда назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларни, ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларидан фойдаланиб содир этилганида эса мазкур транспорт воситаларини ушлаб туриш ваколати берилмоқда.

Шу ўринда амалиётдаги яна бир муаммо ҳақида айтиш зарур. Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 224 ва 224¹-моддаларида кўзда тутилган, яъни чегара зонасига ҳамда фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга кириш ҳамда уларда яшаш қоидаларини бузиш ва давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимни бузиш билан боғлиқ содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича расмийлаштирилган ҳужжатлар жойлардаги суд ва ички ишлар органларига юборилмоқда. Бу одамларнинг ортиқча вақт ва маблағ сарфлаши ҳамда турли оворагарчиликларига сабаб бўлмоқда.

Юқорида қайд этилган ҳуқуқбузарликлар, асосан, жойларда чегара кўриқлаш взводлари томонидан аниқланиб, расмийлаштирилмоқда ва ҳарбий хизматчилар томонидан туман (шаҳар) марказида жойлашган ички ишлар бўлимларига ёхуд суд органларига етказиб берилмоқда. Айрим ҳудудларда бу органлар чегара кўриқлаш взводларидан тахминан 60 — 70 км. узоқликда жойлашганлигини ҳисобга олсак, мазкур муаммо чиндан ҳам жиддий экани ойдинлашади.

Қолаверса, ҳуқуқбузарлар ва уларга тегишли бўлган материалларни туман марказида жойлашган ҳуқуқ-тартибот органларига топшириш учун чегара кўриқлаш взводидан бир нафар офицер, бир дона техника ва конвой учун икки нафар, жами 4 нафар ҳарбий хизматчи жалб қилинмоқда. Албатта, 4 нафар ҳарбий хизматчининг ўз жойида бўлмаслиги взводнинг жанговар шайлигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Ҳуқуқбузарликларни расмийлаштириш ва қоидабузарларни тегишли органга топширишга сарфланган харажатлар жарима суммасидан ошиб кетаётганлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 224 ва 224¹-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ваколати Чегара қўшинларига берилмоқда.

Умуман, бу қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг ортиқча вақт ва маблағ сарфлашига чек қўйишидан ташқари, бюджет маблағлари мақсадсиз сарфланишининг олдини олишга хизмат қилади.

Қутбиддин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ КЎПЛАБ МУАММОЛАРГА ЕЧИМ БЎЛАДИ

Бугунги кунда аксарият муаммолар ечими тадбиркорлик ривожида эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу боис ҳам кейинги йилларда юртимизда ушбу соҳани изчил тараққий эттириш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ҳамда ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу қандай самара бераётганини биргина ўтган йили Фарғона вилоятида бу борада эришилган ютуқлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Таҳлил

Вилоятда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчиллик билан татбиқ этиб келинмоқда. Натижада ўтган йилнинг ўзида кичик бизнес субъектлари сони 2 баравар ошди. Аниқ айтадиган бўлсак, 8,5 мингта кичик бизнес субъектини ташкил этиш кўзда тутилган бўлиб, амалда 9 минг 134 таси иш бошлади.

Шу ўринда Президентимиз раислигида 2020 йил 8 январь куни бўлиб ўтган видеоселектор мажлисида Давлат бюджети параметрларини ижро этиш ва ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича 2020 йилдаги 11 та устувор вазифа бўйича берилган топшириқлари ижроси юзасидан “Қашқадарё тажрибаси” асосида вилоятимизда бир қатор ишлар рўёбга чиқарилганлигини ҳам таъкидлаш зарур.

Муҳими, ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида 2021 йилда қуйидаги натижаларга эришилди:

- *42 минг 22 та кичик бизнес субъекти рўйхатдан ўтган бўлиб, уларда банд аҳоли 143 мингдан ортиқни ташкил этди;*
- *ишламаётган 1 минг 649 та юридик шахсдан 329 таси фаолияти тикланди;*
- *халқаро молия ташкилотлари кредит маблағлари ҳисобидан 1 минг 374 та лойиҳа молиялаштирилиб, 154,8 миллион АҚШ долларилик кредит маблағлари йўналтирилди;*
- *3 минг 224 та тадбиркорлик субъектига қарийб 4,6 триллион сўм кредитлар ажратилди.*

Шуларга мос равишда аҳолининг бандлигини таъминлаш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ижтимоий дастурлар доирасида 35 минг 856 та оила ва тадбиркорлик субъектларига 830 миллиард сўм имтиёзли кредитлар берилди.

“Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида 29 минг 260 фуқаро ва тадбиркорлик субъектига 701,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

Ўз навбатида, тадбиркорлар мурожаатлари билан ишлаш масаласи ҳам доимий эътиборда. Ўтган 2021 йил давомида вилоят ҳамда шаҳар ва туман “Тадбиркорлар уйи”га жами 6 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектларидан турли масалалар бўйича мурожаатлар келиб тушган. Шундан 4 мингдан ортиғи ижобий ҳал этилган, бир қисми бўйича тушунтириш берилган, қолганлари эса тегишли ташкилотлар томонидан ўрганилмоқда.

Мазкур мурожаатлар соҳалар кесимида таҳлил қилинганда қуйидагилар маълум бўлди:

- банк, молия ва кредит масалалари бўйича жами 2 минг 221 та мурожаатнинг 52 фоизи ҳал этилган, 48 фоизи эса тушунтириш бериш орқали ижобий ечим топган;
- ер ва қурилиш масалалари бўйича келган 1 минг 341 та мурожаатнинг 36 фоизи тўғридан-тўғри ҳал қилинган, 64 фоизи тушунтириш бериш йўли билан ҳал бўлган;
- муҳандислик коммуникациялари масаласига доир 604 та мурожаатдан 57 фоизи жойида ҳал этилган, 43 фоизига эса тушунтириш бериш орқали ечим топилган.

Кўриниб турибдики, тадбиркорликни ривожлантиришга ҳар томонлама эътибор қаратилмоқда. Бундан кўзланган мақсад эса соҳани равнақ топтириш орқали аҳоли даромадини ошириш, уларнинг турмуш даражасини кўтариш, пировардида мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлашдан иборат. Шундай экан, тадбиркорликни ривожлантириш нафақат мутасаддилар, балки биз, парламент вакилларидан ҳам катта куч ва масъулият талаб этади.

Энахон СИДДИҚОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

МАЪМУРИЙ СУДЛАР ҲАҚИҚИЙ ХАЛҚ СУДИГА АЙЛАНАДИМИ?

Мамлакатимизда маъмурий ислоҳотларни изчил давом эттириш йўлида ўз ечимини кутаётган масалаларни ҳал қилиш, янги Ўзбекистон шароитида давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти тизимининг самарадорлигини кенгайтириш, улар фаолиятини натижадорликка йўналтириш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва “мобиль бошқарув аппарати”ни яратиш асосий масалалардан биридир.

Нуқтаи назар

Мавжуд маъмурий судлар Асосий Қонунимизда мустаҳкамланган ҳуқуқларнинг амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилиб келмоқда. Уларга бўлган ишончни янада кучайтириш мақсадида давлат органлари томонидан суд қарорлари ижроси устидан назоратнинг таъсирчан механизмларини жорий қилиш талаб этилади. Шу муносабат билан давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг самарали ҳимоясини таъминлаш ҳамда маъмурий суд ишларини юритишни халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш эҳтиёжи туғилди.

Маъмурий судларнинг биринчи навбатдаги вазифаси фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатларида қонун устуворлигини таъминлаш билан бир қаторда улар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Шу билан бирга, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда судларнинг, айниқса, маъмурий судларнинг ролини кучайтириш, уларни фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айлантириш ҳар қачонгидан ҳам зарур бўлиб қолди.

Амалиётда юзага келаётган жараёнлар таҳлили маъмурий судларда иш ҳолатларини исботлаш мажбурияти тарафларнинг ўзига юклатилгани тенгсизликка олиб келишини кўрсатмоқда. Хусусан, ҳуқуқи бузилган оддий фуқаро ёки юридик шахснинг ўз талабларини исботлаб бериш бўйича имкониятлари давлат органларининг ресурсларига қараганда бирмунча чекланган.

Шунингдек, фуқаро ёки юридик шахснинг шикояти асосида чиқарилган суд ҳужжати ижроси давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан ихтиёрий равишда амалга оширилишини таъминлаш учун таъсирчан назорат механизмлари мавжуд эмас. Бунинг натижасида кўп ҳолатларда фуқаролар ёки юридик шахслар манфаатида чиқарилган суд ҳужжати давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан ижро этилмасдан қолаётганининг гувоҳи бўлаётган эдик.

Ушбу ҳолатлар инобатга олинган ҳолда, “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексини тасдиқлаш ҳақида”ги қонун лойиҳасида давлат органлари қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқишда маъмурий судларнинг ролини кучайтириш, уларни фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳақиқий ҳимоячисига айлантиришга қаратилган муҳим чоралар белгиланди. Масалан, маъмурий суд ишларини юритишни “суднинг фаол иштироки” тамойили асосида амалга ошириш, бунда маъмурий судларга ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш учун ўз ташаббуси билан далилларни йиғиш мажбуриятини юклаш, ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига далилларни йиғишда фақат ўз имконияти доирасида иштирок этишга шароит яратиш назарда тутилди.

Шунинг баробарида, ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига оммавий-ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган низо билан бирга унга сабабий боғланишда бўлган зарарни ундириш талабини ҳам маъмурий судга дириш ҳуқуқи тақдим этилган ҳолда бундай талабларни кўриб чиқишни маъмурий судлар ваколатига ўтказиш белгиланди.

Эндиликда қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганидан сўнг маъмурий судларнинг оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича ҳал қилув қарорлари давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан ижро қилинмаган тақдирда, уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан суд жарималари қўлланилади.

Мазкур чора-тадбирларнинг амалга оширилиши давлат органлари фаолиятининг қонуний асосда юритилишини, фуқаро ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва манфаатлари самарали ҳимоя этилишини таъминлашга, маъмурий суд иш юритувини халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда такомиллаштиришга, энг муҳими, маъмурий судларни ҳақиқий халқ судига айлантиришга хизмат қилади.

Шуҳрат ПОЛВОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ПАРЛАМЕНТНИНГ ЎРНИ

1 Унда белгиланган еттита устувор йўналишнинг ҳар бирининг замирида инсон қадрини таъминлашдек улуғ мақсад мужассам. Келгусида Тараққиёт стратегияси доирасида бир қатор концепция ва дастурлар, 13 та кодекс, 12 та қонун ва ўнлаб қонун ҳужжатлари қабул қилиниши кўзда тутилган.

Тараққиёт стратегиясида мамлакатимизнинг халқаро муносабатлардаги тенг ҳуқуқли субъект сифатидаги ролини ошириш, Марказий Осиёда хавфсизлик, савдо-иқтисодий, сув, энергетика, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги яқин ҳамкорликни сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқиш, анъанавий ҳамкорларимиз билан муносабатларни янада ривожлантириш, иқтисодий дипломатияни кучайтириш, ташқи алоқалар географиясини кенгайтиришга устувор аҳамият қаратилган.

Шунингдек, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан интеграция жараёнларини чуқурлаштириш, жаҳон ҳамжамияти аудиториясида юртимиз имижини кўтаришга қаратилган ахборотлар етказиш самарадорлигини ошириш, ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини, мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан Ўзбекистоннинг чет эллардаги фуқароларига хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш назарда тутилган.

Давра суҳбати давомида Марказий Осиё халқлари ўртасида яқин қардошликни қадрлаш, қўшни мамлакатлар билан манфаатли ҳамкорликни кучайтириш, минтақавий хавфсизлик ва барқарор тараққиётга эришиш каби муҳим вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса Олий Мажлисга шу йўналишда қабул қилинган давлатлараро шартнома ва аҳдлашувларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилиши устидан парламент назоратини ўрнатишни тақозо қилади.

Тараққиёт стратегиясида БМТ органлари ва институтлари, глобал ва минтақавий иқтисодий, молиявий ва гуманитар ташкилотлардаги фаолиятни кучайтириш, иқлим, экология, терроризм, коррупция, миграция, камбағаллик каби глобал муаммоларни ҳал этиш борасида халқаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариш вазифаси қўйилган.

Айниқса, Ўзбекистон раҳбариятининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги ташаббусларини амалга оширишни таъминлаш, БМТ ва унинг муассасалари билан иқтисодий-молиявий ва консультатив ҳамкорликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Бу вазифаларнинг ижросида ҳам парламентнинг ролини янада кучайтириш зарур.

Бундан ташқари, Тараққиёт стратегиясида мамлакатимиз ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Тадбир якунида ушбу масалалар юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

БИРИНЧИ ЎҚИШДА КОНЦЕПТУАЛ ЖИҲАТДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ. АММО...

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексини тасдиқлаш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди. Унда фуқароларнинг ортиқча оворагарчилиги ва сансалорлигининг олдини олиш, давлат органлари ходимларининг вақти ҳамда ресурсларни тежаш мақсадида маъмурий ҳуқуқбузарликларни соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиш ҳамда ягона автоматлаштирилган ахборот тизимлари орқали аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан иш юритиш тартибларининг ҳуқуқий асослари белгиланган.

Фикр

1994 йилнинг 22 сентябрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояси борасида самарали хизмат қилди. Ўтган давр мобайнида кодексдаги нормалар замонга мослаб такомиллаштириб борилди. Хусусан, унга 170 га яқин ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, 250 дан ортиқ янги прим моддалар қўшилди.

Лекин маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш юритиш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш, жабрланувчи аризасига асосан юритиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни тугатиш тартибини татбиқ этиш, маъмурий жазо чоралари тизимини либераллаштириш ҳамда маъмурий жавобгарликка тортишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахслар тоифасини мақбуллаштириш бугунги кун талабларидан биридир. Шундан келиб чиқиб, янги кодекс лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур ҳужжат билан таклиф этилаётган тартиблар, асосан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Маънан эскирган, амалда ўз аҳамиятини йўқотган ёки бўлмаса фуқаролик ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган моддалар ҳам қайта кўрилди ва 33 турдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик кодекснинг янги лойиҳасидан чиқарилди.

Янги кодекс лойиҳасида фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, айбсизлик презумпцияси, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги ва ишларнинг ошкора кўрилиши принципларига асосланиши белгиланган. Унга шахснинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишдаги айби ваколатли давлат органи (мансабдор шахс)нинг қонуний кучга кирган қарори билан исботлангунга қадар у айбсиз ҳисобланиши, ҳеч ким ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги ҳамда барча шубҳалар, башарти, уларни бартараф қилиш имкониятлари тугаган бўлса, ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги каби конституциявий қоидалар киритилган.

Амалдаги Кодексда маъмурий ҳуқуқбузарликни белгилаш ваколати маҳаллий ҳокимликларга хам берилган эди. Янги кодекс лойиҳасидан бу қоида чиқариб ташланди, маъмурий жазо чоралари фақат кодекс билан белгиланиши тўғрисидаги тартиб мустаҳкамланди. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби илғор халқаро амалиётдан келиб чиқиб такомиллаштирилди. Ҳуқуқбузарликка оид иш юритиш тизимини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, амалдаги кодексда мавжуд бўлмаган исбот қилиш, далиллар тақдим этиш, холислар, экспертиза тайинлаш, суд мажлисини видеоконференция тарзида ўтказишга оид янги тартиблар жорий қилинди.

Ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда рад этиш асослари ва тартиби, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қабул қилинган қарорга нисбатан қўйиладиган талаблар ва бошқа ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги муҳим масалаларга оид қоидалар очиб берилди.

Шу билан бирга, маъмурий жазо чоралари тизими такомиллаштирилиб, ўз аҳамиятини йўқотган “маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш” жазоси кодексдан чиқарилди. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш тизими такомиллаштирилиб, коррупция ҳолатларига имкон берувчи омилларни бартараф қилиш мақсадида ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида нақд пулда жарима ундириш тартиби бекор қилинди.

Ижтимоий муносабатларни тартибга солиш зарурияти, яъни объектив эҳтиёждан келиб чиқиб, 12 та янги турдаги ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш таклиф этилди. Қатъий маъмурий жазолар қайта кўриб чиқилиб, уларнинг минимал ва максимал миқдорини белгилаш орқали жарималарни пасайтирган ҳолда амалдаги жазолар либераллаштирилди.

Кодекс лойиҳасини иккинчи ўқишда такомилига етказиш борасида депутатлар ва масъул қўмита кенг кўламли таҳлилларни амалга ошириши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш борасида нормаларни янада такомиллаштириш чораларини кўриши лозим бўлади.

Шерзод ТЎХТАШЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ЯНГИ ҚОНУННИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЛОЗИМ, ДЕГАН ТЎХТАМГА КЕЛИНДИ

1 Йиғилишда қонун билан киритилаётган янги меъёрларга нисбатан берилган таклифлар ҳам кенг муҳокама этилди. Хусусан, ҳужжатнинг тамаки маҳсулотлари, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг айланишига доир моддасида чекилмайдиган тамаки маҳсулотлари, жумладан, таркибида никотин бўлган чекилмайдиган маҳсулотларни Ўзбекистонга олиб кириш ва юртимиз ҳудудида реализация қилиш тақиқланиши белгиланган.

Тадбирда мазкур норма мамлакатимизда фаолият юритувчи “УЗБАТ А.О.” қўшма корхонаси инвестиция лойиҳасига қандай таъсир кўрсатиши тўғрисида ҳам фикрлар билдирилди.

Иштирокчилар қонун юзасидан айтилган таклиф ва мулоҳазаларни инобатга олиб, ҳужжатни такомиллаштириш лозим, деган тўхтамга келди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ
(«Халқ сўзи»).

Муҳокама

Давлат фуқаролик хизмати:
ЯГОНА ҚОИДАЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Тегишли соҳа вакиллари, парламент қуйи палатаси депутатлари, олимлар ва экспертлар иштирок этган йиғилишда қонун лойиҳаси қизғин муҳокама қилиниб, уни янада такомиллаштириш, маромига етказиш, пишиқ-пухта ҳолатга келтириш бўйича кўплаб таклиф ва тавсиялар берилди.

Қайд этилганидек, мазкур қонун лойиҳасининг мақсади давлат органлари фаолиятида давлат фуқаролик хизматининг давлат сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат. Лойиҳада давлат фуқаролик хизматига кириш, уни ўташ ва тугатишнинг ягона қоидаларини жорий этиш кўзда тутилган.

Муҳокамалар жараёнида келиб тушган таклифлар асосида қонундаги асосий тушунчалар, давлат фуқаролик хизмати соҳасининг тартибга солиниши, махсус ваколатли давлат органининг ваколатлари, давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, давлат фуқаролик хизматини ўташ бўйича чекловлар билан боғлиқ нормаларни такомиллаштириш устида иш олиб борилди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ томонидан давлат фуқаролик хизмати тизимида коррупциянинг олдини олиш чора-тадбирлари, давлат фуқаролик хизматчисининг коррупцияга тоқатсиз муносабати, фаолияти самарадорлигини баҳолаш, одоб-ахлоқ қоидалари, давлат фуқаролик хизматида совға билан муомала қилиш шартлари тўғрисидаги моддалар халқаро тажриба ва миллий қонунчилик асосида қайта кўриб чиқилди.

Йиғилишда ишчи гуруҳга экспертлар, олимлар томонидан берилган таклиф ва тавсиялар асосида қонун лойиҳасини маромига етказиш топширилди.

«Халқ сўзи».

ОСМОНГА ҚАРАГАН ОДАМЛАР...

Улар нега ризқ-насибани ердан кутишмайди?

Кўкату сабзи, шолғомдан картошкагача бозордан сотиб олишади

1 Унумдор ерини ўз ҳолига ташлаб ёки яхшигина даромад олиши мумкин бўлган томорқасини жўхоризорга айлантириб қўйган юртдошимизга нима деган бўлардингиз? Ёхуд ихтиёридаги ҳайҳотдай томорқасининг қуриб-қақшаб ётишига бефарқ қараб яшаётганларга-чи?..

Ўрганишларимиз натижасида Чироқчи туманидаги “Галлакор” МФЙ қишлоқларида томорқасидан унумли фойдаланиш у ёқда турсин, умуман, қаровсиз қолдирган хонадонлар кўплаб учради.

Галлакор қишлоғи одамлари рўзғорга ишлатиладиган ҳамма нарсани бозордан сотиб олади. Картошка, сабзи-шолғом дейсизми, ҳатто кўкатдан тортиб, помидор-бодринггача “Пайшанба” бозоридан харид қилишади.

— Шунча ер бўш турибди, гиламнинг ўрнича жойга кўкат экиб қўйилса, бир оилани таъминлайди-ку, — деб сўраймиз аҳоли вакилларидан.

— Гапингиз тўғрику-я, лекин халқимиз шунга одатланмаган-да, яъни томорқани даромад манбаи, деб билмайди, сабаби еримиз лалми, фақат баҳор серёғин келса, баъзи кишилар томорқасида ғалла экади, ўшандаям ҳамма экмайди, қурғоқчилик бўлса, пулига қуйиб қолишидан қўрқади, — дейди 162-умумтаълим мактаби директори Адолат Диёрова. — Одамларни ҳам томорқадан даромад олишга ундаш керак, кучи етмайдиган оилаларни уруғлик билан таъминлаш зарур, артезиан қудуқ кавлашга кўмаклашиш керак. Бундай ишни амалга оширувчи ташкилотнинг ўзи йўқ. Агар бўлса ҳам, уларни биз кўрганимизча йўқ.

Бу қишлоқда 170 — 180 метр чуқурликдан чучук сув чиқади. Ана шундай масофадан сув тортадиган артезиан қудуқ учун эса камида 20 миллион сўм маблағ талаб этилади. Бунга эса ҳамманинг ҳам имкони йўқ.

Аммо шундай бўлса-да, қишлоқда артезиан қудуқ кавлаган оилалар бор. Чамаси 50 га яқин хонадонларда артезиан қудуқ мавжуд. Лекин бу қудуқлар бугунги кун талабига жавоб бермайди. Айниқса, ёзда, сувга эҳтиёж ортган паллада ер ости суви пасайиб кетади. Буям майли, айни экин-тикинга қўл урилган пайтда электр токи муаммо бўлади. Чунки бу ҳудудга ёндош қишлоқларда артезиан қудуқ қурган кишилар кўп ва шу боис электр энергияси тақчиллиги юзага келади.

«Чироқчи бўйича 20 та артезиан қудуқ кавладик...»

Гап шундаки, бу қишлоқ одамлари ўзи билганича чала-чулпа, давлат стандартлари талабига жавоб бермайдиган, электрни тежаш ускуналари ўрнатилмаган “қўлбола” артезианлар қуриб олишган ва ундан самарали фойдалана олишмаяпти. Стандарт талабига мос артезиан қудуқ қуриб берадиган ташкилотларнинг эса бу қишлоққа негадир қадами етгани йўқ.

— Ўтган йили Чироқчи тумани бўйича 20 та артезиан қудуқ қазиб бердик, Галлакор қишлоғида бу иш амалга оширилгани йўқ, — дейди Чироқчи тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг томорқачилик бўйича мутахассиси Муҳриддин Маҳаммадиев. — Тўғриси, биз фақат қишлоқлардаги аҳволни фуқаролар йиғини мутахассиси берган “сводка” орқали мониторинг қиламиз. Ундаям жойига бормаймиз, аҳоли томорқасига экин эктириш бизнинг вазифамизга кирмайди.

— Аҳоли электр қуввати жуда паст, артезиан қудуққа ўрнатилган сув насоси куйиб қоляпти, кучи етмаяпти, деб шикоят қилмоқда, бу масалаларни ҳам ўрганасизми? — сўраймиз М. Маҳаммадиевдан.

— Чироқчи туманининг ҳудуди жуда катта, мен бир ўзим ҳамма томорқачиларни ўрганиб чиқишим учун уч ой вақт керак бўлади. Мен фақат ариза тушса бориб текшираман, йўқса, бора олмайман, — дейди у.

Демак, маҳалладаги ҳақиқий аҳволни масъул шахс ўз кўзи билан кўргани йўқ. Шунинг учун ҳам Галлакор қишлоғида аҳвол ачинарли, томорқаларда деярли экин экилмайди, уларга уруғлик ёки кўчат берилмайди. Томорқаларнинг қаровсиз ёки бўш турганига нафақат хонадон эгаси, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик, маҳаллий ҳокимликлар масъул эканини эса ҳеч ким ҳис қилмаётгандек гўё.

Агар шундай бўлмаганида, ғаллакорликлар ҳам олмаю картошкалари, сабзи-шолғомлари ёки анорлари билан машҳур бўлмасмиди?..

Ишга яроқли аҳолининг 90 фоизи хорижга чиқиб кетган

Қишлоқда, бор-йўғи, биттагина савдо дўкони бор. Уни ҳам замонавий ва кўркам савдо дўкони деб бўлмайди. Чунки у эски бир маъмурий бинода жойлашган. Сартарошхона, пойабзал тузатиш устахонаси, “Гўзаллик салони” ва бошқа қулайликлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Янада аччинарлиси, қишлоқда болалар боғчаси йўқ. Олти километр узоқликдаги боғчага ҳеч ким фарзандини қўйишни истамайди.

Аслида, бугун қайси ҳудудда яшашидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро қулайликлардан фойдаланиши керак эмасми? Қишлоқда оилавий поликлиника ҳам йўқ. Бори — эски, алмисоқдан қолган бинода аҳолининг касаллик варақалари чанг босиб ётибди. Иш ўрни йўқлиги боис қишлоқнинг 2 мингдан зиёд йигитлари хорижга ишлаш учун чиқиб кетган.

Бу хусусда “Галлакор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Суюн Рўзиевнинг фикрлари билан қизикдик.

— Ҳудудимизда 4 минг 897 гектар ер майдони мавжуд, 29 та фермер хўжалиги лалми ерларда ғалла ва дуккакли экинлар экади, — дейди маҳалла раиси. — 900 дан ошиқ аҳоли қўлида 500 гектарга яқин томорқа ерлари мавжуд бўлиб, ер лалми бўлгани учун улар фақат буғдой, нўхат, мош экади, холос. Тўғри, 3-4 хонадон тарвуз-қовун экади, 9-10 хонадон эса мош, ловия, нўхат парваришлайди.

— 900 хонадоннинг тахминан 10 ёки 20 таси экин экканда ҳам қолган хонадонлар томорқасининг аксарияти бўш турибди-ку! Эътибор қилдим, артезиан қудуғи бор хонадонлар ерларига ҳам деярли қўл урилмаган, — деб сўраймиз раисдан.

— Тўғри, артезиан қудуқ қазиш жуда қиммат туради, шундай бўлса-да, ўзига тўқ одамлар қуришди, лекин электр масаласи бизда жуда оғир. Ёзда электр қуввати пасайиб кетади. Яна бир масала: бизда деҳқончилик маданияти ривожланмаган, одамлар томорқадан даромад олишга ишонишмайди, ерларимиз лалми, оқар сув йўқ, ёғингарчилик мўл бўлган йилларда фақат ғалла экилади.

— Галлакор қишлоғи шароитида томорқани даромад манбаига айлантирса бўладими?

— Албатта, бўлади, буни ўзимнинг 60 сотих томорқам мисолида айтадиган бўлсам, бундан бир-икки йил олдин 15 сотихига картошка экиб, анча-мунча ҳосил олгандим, — дейди раис. — Кейинчалик маҳалла ишларидан ортмаганим боис томорқага қарай олмаяпман...

“Аҳмедов Сирожиддин” фермер хўжалиги раҳбари Рўзман Аҳмедов.

Излаган имкон топади: 5 сотих иссиқхонадан 45 миллион сўм соф даромад

Аёнки, оила даромади ва фаровонлигида ишбилармонликнинг алоҳида ўрни бор. Шу қишлоқ фуқароси, “Сирожиддин Аҳмедов” фермер хўжалиги раҳбари Рўзман Аҳмедов гапларига кўра, ушбу қишлоқ шароитида ҳам томорқани даромад манбаига айлантирса бўлади.

— 70 сотих томорқамиз бор, — дейди Р. Аҳмедов. — Биласиз, бизда электр токи барқарор берилмайди, газ, сув йўқ. Лекин шунга қарамасдан томорқамизда 5 сотих ерда иссиқхона қурдим. Яъни ўша 5 сотих ерни 1,5 метр чуқурликда кавлаб, устини “термос” усулда плёнка билан ёпиб, лимон эккандим. Мана, ўтган йили 3 тоннага яқин ҳосил кўтардик, 45 миллион сўм даромад келди. Фермер хўжалигимизга 400 гектар лалми ер ажратилган. Ҳар йили 200 гектарида лалми ғалла етиштирамиз. Ҳовлимизда иссиқхонада тарвуз ва қовун кўчатларини тайёрлаб, далага олиб чиқиб экамиз. Ўтган йили 3 гектар ерда плёнка остида тарвуз парваришлаб, 80 миллион сўмдан зиёд даромад қилдик. Даромадимиз ҳисобидан янги юк машинаси харид қилдик. Томорқадан олинаётган даромад нафақат оиламизнинг кундалик эҳтиёжи учун, балки тўй қилиш, иморатлар қуришга ҳам ишлатилади. Уч ўғлим ва ўзимда енгил автомобиль бор. Бунинг ҳаммаси томорқадан унумли фойдаланганимиз ва фермер хўжалигимиз даромадидан...

— Рўзман ака, сиз-ку, йўлини топибсиз, ҳамқишлоқлар-чи, нега уларнинг томорқаси бўш турибди, шунча ердан худди сиздек фойдаланишса, биласизми, қишлоқ одамлари қўлидаги 500 гектар атрофидаги томорқадан қанча фойда келади?

— Майли, мен каби 45 миллион сўм даромад олмасин, ҳозирча ҳар бир хонадон 10 миллион сўмдан даромад қилганида ҳам 900 хонадон 9 миллиард сўм маблағ эгаси бўлар эди, — дейди Р. Аҳмедов. — Кимгадир бу чўпчакка ўхшаб туюлиши мумкин, кимдир бундай даромад қилиб бўлмайди, деб мийиғида кулиши ҳам тайин. Бир қараганда, уларнинг гапида ҳам жон бордай. Одамлар билан гаплашиб кўринг, ҳаммаси “қанийди, томорқамдан ҳеч бўлмаса, 10 — 15 миллион сўм даромад олсам. Кошкийди, биз ҳам яшнаб турган ҳовлимиздан янги помидор узсак, бозорга бодринг, картошка чиқарсак” дейишади. Уни амалга ошириш учун эса артезиан қудуқлар кавлаш керак, электр таъминоти меъёрида берилишини таъминлаш зарур.

— Айтишларича, бир пайтлар қишлоққа оқар сув келган экан, шу ростми?

— Ҳа, ариқ қазилиб, оқар сув келган, — дейди Р. Аҳмедов. — Ариқ ўрни ҳозир ҳам турибди. Собиқ совет даврида канал қазиш учун лойиҳа қилинган, сув ҳам келтирилган, лекин бу иш охирига етказилмаган. Ҳозир ҳам Чиял каналидан 6 километр ариқ қазилса, бемалол сув келади. Бу ишнинг бошида турадиган одам йўқ. Лойиҳа қилиб, тасдиқлатиш лозим, раҳбарларнинг қош-қовоғига қараш керак. Тўғриси, бу ишга ҳеч ким жазм этмаяпти. Агар оқар сув келса, қишлоқ яшнайди, ўша айтганим, томорқалардан яхшигина даромад олса бўлади.

Ҳаракатсиз бой бўлган давлат ҳам, хонадон ҳам йўқ

Аччиқ ҳақиқат шуки, сув таъминоти оғир бу қишлоқни обод ва кўркам гўшага айлантириш, томорқачилик маданиятини юксалтириш, аҳолининг ўзини ўзи банд қилиш масалалари кўп жиҳатдан “Галлакор” МФЙ раиси Суюн Рўзиевнинг ишбилармонлигига ҳам боғлиқ. У аҳоли ва маҳаллий ҳокимлик ўртасида кўприк вазифасини ўташи, ҳоким ва сектор раҳбарлари эътиборини шу қишлоққа қаратишга эришиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Биласиз, сув билан таъминлаш оғир бўлган ҳудудларда деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш бўйича 2021 йил 16 декабрда “Томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди. Шу қарор ҳаётга кенг татбиқ этилса, назаримизда, мазкур қишлоқдаги сув муаммолари барҳам топар эди.

Қарорда томорқада маҳсулот етиштиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан 100 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги миқдоридаги қарз маблағлари Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига миллий валютада 4 йиллик имтиёзли давр билан 9 йил муддатга йиллик 2 фоиз ставкада йўналтирилиши белгиланган ва сув таъминоти оғир томорқа ерлари ва фойдаланишдан чиққан майдонларни суғориш учун вертикаль суғориш қудуқларини бурғилаш, дарёлар, каналлар ва бошқа сув объектларидан сув чиқариш воситаларини сотиб олиш ва ўрнатиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун 2026 йил 1 январга қадар ҳар йили Давлат бюджетидан жамғармага маблағ ажратилиши қайд этилган.

Фуқаролар йиғини раиси Суюн Рўзиевдан қарор ижроси бўйича қандай чора-тадбирлар белгиланганини сўрасам, “Дарахт экяпмиз, ғалла экяпмиз” деб мужмалгина жавоб қилди. Ваҳоланки, дарахт эккан билан сув бўлмаса, ёзда ниҳол қуриб қолади-ку!

Сирасини айтганда, бугун “олма пиш, оғзимга туш” қабилида кун кечирадиган пайт эмас. Кафтдек ер бўлса, ундан унумли фойдаланиш, кўпроқ фойда келтирадиган, мўл ва харидоргир ҳосил бериши керак. Бунинг учун эса юқорида қайд этилган Президент қарори асосида қишлоққа Чиял каналидан сув олиб келиш чора-тадбирлари кўрилса, биров уришадими?..

Йўқ нарсани башорат қилишдан кимга фойда?

Чироқчи тумани ҳокимлиги томонидан берилган маълумотларда “бу маҳалла фуқаролар йиғинида бунча, унисида унча маҳсулот етиштирилади ва шунчаси экспорт қилинади”, каби башорат (прогноз) жуда кўп. Лекин башорат қилиш билан иш битармикин?!

Мана, масалан, Чироқчи туманининг 2021 йилда деҳқон хўжаликларида ва томорқа ер участкаларида баҳорги (эртаги) экинлардан етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг прогноз кўрсаткичларида “Галлакор” МФЙда жами етиштириладиган ялпи ҳосил 2 минг 470 тонна кўрсатилган. Помидор, бодринг, пиёз, саримсоқпиёз, сабзи, карам, лавлаги, редиска, қалампир каби маҳсулотлар тури белгиланган.

Эътибор беринг, ҳайратланарлиси, қишлоқ томорқаларида 29 тонна кўкат ва 17 тонна редиска етиштирилиши прогноз қилинган! Бу ҳужжатни Чироқчи тумани ҳокими Хуррам Жўраев тасдиқлаб, имзо чеккан.

Туман раҳбари имзо чеккан яна бир ҳужжатда “Галлакор” МФЙда 645 тонна маҳсулот экспортга чиқарилиши “прогноз” қилинган!

Савол туғилади: “Галлакор” МФЙ раиси Суюн Рўзиев юқорида 5 та ёки 10 та, борингки, 20 та хонадон экин экади, қолган ерлар бўш турибди, деди. Шундай экан, Галлакордаги деҳқон хўжаликлари ва томорқаларда 2 минг 470 тонна маҳсулот етиштирилиши қайси манбага асосланиб башорат қилинган?

Ўзи, бундай ошириб-тошириб башорат қилишдан кимга фойда?!

Хуллас, мақолага нуқта қўйишдан олдин айтар гапимиз шуки, бу ерда бир қишлоқ муаммоси кўтарилган бўлса-да, таҳлилларимиз биттагина ҳудуд ёки бир туман раҳбарларигагина тегишли эмас. Эҳтимол, бошқа бир маҳалла ёки овул вакиллари шу аччиқ, аммо очиқ гапларни ўқиб, ўзини, ўз маҳалласидаги муаммоларни кўргандай бўлар. “Худди бизнинг қишлоғимиз ҳақида ёзилгандек” деб кўнглидан кечар...

Аммо нима бўлганда ҳам олиб чиқаётган мазкур мавзу 2022 йил — Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилида ҳар бир раҳбарни, мутасаддини чекка ва олис ҳудудларга теранроқ назар ташлашга туртки бўлар деган, илинжимиз бор. Токи, бу каби саъй-ҳаракатлар том маънода, аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар даромадини ошириш каби эзгу мақсадларга хизмат қилсин.

Фахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи»).

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи
2022 йил 3 февраль

Ҳазрат Навоийнинг сирли олами

Алишер Навоий — жаҳон адабиёти бўстонининг мангу чинорларидан бири. Ўзбек халқининг бахтига туғилган буюк шоир ва мутафаккир. Унинг номи жаҳон айвони пештоқига доим ярақлаб турадиган, ҳеч қачон ўчмас зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйилган. Халқимиз фарзандлари кўпининг номи — Алишер. Мамлакатимизда вилоятлар, шаҳарлар, университет ва театрлар, боғлар, жойлар бу улуғ ном билан аталган. Бу табиий бир ҳолга айланган.

Шоир ижодини сидқидилдан ўрганган адабиётшунос ва олимларимизнинг заргарларча меҳнатлари таҳсинларга сазовордир. Хорижий олимларни санаб ўтирмаймиз, чунки мақсадимиз бошқа, лекин ўз олимларимизни эслашни зарур деб ҳисоблайман (албатта, барчасини санаб ўтиш қийинлигини тушунасиз, деган умиддаман): Абдурауф Фитрат, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Олим Шарафиддинов, Иззат Султон, Порсо Шамсиев, Воҳид Абдуллаев, Воҳид Зоҳидов, Ҳамид Сулаймон, Абдуқодир Ҳайитметов, Ботурхон Валихўжаев, Суйима Ғаниева, Ёқубжон Исҳоқов, Абдулла Аъзамов, Шуҳрат Сирожиддинов, Иброҳим Ҳаққул, Олимжон Давлатов, Қосимжон Содиқов, Юсуф Турсунов, Султонмурод Олим, Нусратулла Жумахўжа, яна кўп ёш изланувчилар ва Навоийнинг ўн томлик тўла асарлари нашрида иштирок этган тадқиқотчи олимларимизни, шунингдек, ёзувчиларимиздан Исажон Султонни айтиб ўтаман, яқинда у “Алишер Навоий” номли романини ўқувчиларга ҳадя қилди. Янги опера ёзилди… Ҳа, Навоийни англаш жараёни давом этмоқда. У бамисли олтин карвондай асрлар оша ўтиб келажак асрларга йўл олмоқда, борган ерида меҳр улашмоқда, нур таратмоқда. Бу тиним билмас, мангулик ҳаётбахш жараёндир.

Биз Навоий оламини билишга ҳаракат қиламиз, ўқиймиз, ўрганамиз. Ўрганганимиз сари янгиданянги қирралари очилиб боради ва бизни ҳайратларга солади. Чунончи, ушбу сатрлар муаллифи, яқинда “Амир Темур ва Алишер Навоий” номли эссе ёзиб, унда икки улуғ зотни миллий ғоямизнинг икки қаноти, яъни бири давлатни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан, унинг мустақиллигини, иккинчиси миллатнинг маънавий томонидан, унинг кучли маънавиятини асослаб берганлари ҳақида мулоҳазалар юритган эди. Тўғри, инсон ўз-ўзини англай ололмайди, бошқаларни англаш эса инчунин. Балки билимга интилмоқ туйғуси шунинг учун унга хос фазилатга айланган. “Лисон ут-тайр”да ёзилишича, Яратган “Инсон кўнглини турли билимлар (таъкид бизники) хазинаси қилди ва бу тилсим ичида Тангри ўзини яширди...” дейилган. Демак, билимга интилмоқ — инсоннинг шарафли қисмати.

Сўнгги пайтларда биз улуғ зотнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганар эканмиз, барибир олдимизда турган “Навоий ким?” деган, бир замонлар, шубҳасиз, устозларнинг ҳам хаёлидан ўтган саволга дуч келамиз. Чиндан ҳам, Навоий ким? Ул зот шоирми, олимми, ҳокимми, амирми, ҳомийми, ҳукмдорми, муқарраби ҳазрати султонми, авлиёми, осмондан тушган фариштами? Бир қарасангиз, у — шуларнинг ҳар бири, бир қарасангиз, шу фазилатларнинг барчасини бир ўзида мужассам этган муаззам сиймо... Улуғ зотнинг ҳаёти ҳам сирларга кўмилган. Кўп нарсаларни аниқлаб, жойжойига қўйиш лозим кўринади.

Мисол учун, шоирни Ҳиротда туғилган деб келинарди, бу ҳам ҳозир шубҳа остига олинмоқда. Бир нарсани огоҳлантиришни истардим: камина бу гапларни, ҳақиқат талаб қилиб баҳслашиш ёки кимнингдир фикрини инкор этиш ё қўллаш учун айтаётганим йўқ, мен фақат ўз қарашимни изҳор қилмоқдаман, ўз мулоҳазаларимни баён этиб, халқимизни, зиё аҳлини мушоҳадага чорлаш ниятидаман, холос. Ҳар ким ўз фикрида қолади. Шу сабабдан, бирон фикр айтсам, бу ҳаммага маълум бўлганидан, манбаларини келтириб ўтирмадим.

Темурий Абулқосим Бобур вафотидан кейин, ҳазрат Навоий Машҳадда қолган (подшо тахтни Ҳиротдан Машҳадга кўчирган эди) деб ҳисобланади, лекин қанча муддат (орадан етти йил ўтмоқда: 1457 — 1464 йиллар) у ерда қолди, аниқ нима билан шуғулланди — бу ҳақда тахминдан бошқа маълумот йўқ. Самарқандда бўлиши ҳақида ҳам батафсилроқ маълумот кам. Тўғри, унинг муҳтарам Фазлуллоҳ Абулайсий қўлида сабоқ олгани, Шайхим Суҳайлий, Мирзобек Самарқандий каби шоирлар билан учрашгани айтилади. Айрим манбаларда шоир Самарқандда тўрт йил бўлган дейилади, гоҳо икки йил...

Шоирнинг ота-онаси — Гиёсиддин Кичкина ва исми келтирилмаган Она... Ҳолбуки, “Мажолис ун-нафоис” асарида тўрт юздан ортиқ шоир ва зиёлилар ҳақида маълумотлар излаб, қидириб топилган, жамланган, ҳатто шоирларнинг бир ёки икки байтларини ҳам ўқишимиз мумкин. Шундоқ фактларга бағоят синчков ва талабчан бўлган шоир ўз онасининг номини ҳеч қаерда эсламайди... Нега шундай деб, сабабини қидирмаймиз ҳам. Ота-онаси ўсмирлик-ёшлик даврларида оламдан ўтишган.

Шоирнинг икки тоғаси бўлган — Мир Саййид Кобулий ва Муҳаммад Али Ғарибий, ҳар иккиси ҳам шоир. Улар, афсуски, Султон Абусаид Мирзо замонидаёқ жангларда ҳалок бўлишган. Битта укаси бор — Дарвишали. Бошқа қариндош-уруғлари, маълумотларга кўра, бўлмаган. Ҳа, яна Ҳайдар деган жияни борлиги ҳам айтилади, лекин қандай жиян экани маълум эмас...

Алишер Навоийнинг ёлғиз ўтгани ҳақида ҳам афсоналар кўп. “Бобурнома”да ўқиймиз: “Алишербек... ўғил ва қиз аҳли аёли йўқ. Оламни тавре ва жорийда (якка ва ёлғизлик билан) ўткарди”. Лекин нима сабабдан шундай ҳол юз берганини аниқлаш, холис бир фикр билдириш қийин. Зайниддин Восифий хотираларига кўра, Султон Ҳусайн саройининг маҳди улёси Ҳадичабегим ўзининг бир канизагини нозик пайтда шоирнинг уйи Унсияга юбориб... “текширтириб” ҳам кўради... ва канизак хабаридан сўнг, кўнгли таскин топади. Лекин ёлғизликни қоралаб шеърлар битган бўлса ҳам, барибир шоирнинг дунёдан танҳо ўтганидан кўз юмолмаймиз. “...Аммо бу ҳодиса — Навоийда бор бирор айб ва камчилик натижаси эмаслиги замондошлари учун аён эди…” деб ёзади машҳур навоийшунос олим Иззат Султон ўзининг “Навоийнинг қалб дафтари” асарида. Чиндан ҳам, ҳазрат Навоий ҳақида ёзилган асарлар ва хотираларда шоирнинг нозикмизож экани айтилган, лекин ҳаётига оид юқорида зикр қилингандек “камчиликлар” қайд этилмаган.

Аммо барибир бу ҳодиса ўқувчида ҳар хил фикрлар уйғотади, хаёлларнинг бир ери, бобомизда қандайдир “...ноқислик” бўлган экан-да, деган шубҳаларга ҳам олиб боради, кўнгилни ўкситади. Натижада, ёш авлод ўзининг буюк бобоси ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлолмай қолади.

Фикримизча, бу масалага олимларга кўмак тариқасида, ёзувчилар ҳам диққатни қаратишлари керак. Олимлар аниқ фактларга қараб иш кўради, адолатга суянади, чунки улар илм яратади. Аниқ факт бўлмаса, унга ёндашмайди, ҳеч қачон тугал хулоса чиқармайди. Улар бу тамойилига ҳамиша содиқ қолади. Бу бағоят тўғри, ҳалол йўл.

Ёзувчилар эса илмга суянган ҳолда, фантазияга ҳам эрк беради. Чунки улар илм эмас, асар яратади. Чунончи, ёзувчининг асарига қараб, фактнинг тарихий ёки тарихий эмаслигини аниқлаш қийин ва бундай йўл хато бўлади ҳам. “...Бадиий асар — бадиий асар, — деб ёзганди академик Матёқуб Қўшжонов ўзининг Иззат Султонга бағишланган “Олим ва драматург” мақоласида. — Унда ёзувчи фактларни тўлдириши, ундан кераксиз томонларини олиб ташлаб, кераклиларини ишлатиши, ҳатто баъзан ўша замон руҳига мос келадиган фактларни тўқиши мумкин” (таъкид бизники).

Таниқли олимларимиз Алишер Навоий ҳаётининг бу нозик жиҳатларига ҳам эътиборларини қаратган. Жумладан, Иззат Султон юқорида айтилган китобида, ҳазрат Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони ёзилиши сабабига тўхталиб, ўзининг оташин ошиқ бўлгани, бировни қаттиқ севиб қолгани, севгилиси таърифини ва ўз ҳол-аҳволини “Фарҳод ва Ширин” достони орқали ҳикоя қилмоқчи эканига эътиборни тортади. Сўнгроқ “Лисон ут-тайр” достонида Шайх Санъоннинг насроний қизга севгиси муносабати билан шоир ўзининг оташин муҳаббатини эслайди ва шундай ёзади:

Бир неча кун умрдин топсам амон,
Шарҳи ишқим назм этай бир достон.
Анда билгай кимгаким инсофдурур —
Ким сўзум чинму дурур ё лофдурур...

Аммо бу достон ёзилмай, бизлар учун армон бўлиб қолди.

Иззат Султон “Навоийнинг қалб дафтари” китобига тақриз ёзган атоқли навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметовнинг қуйидаги муҳим фикрларини келтиради. Олимни ҳам буюк бобомизнинг муҳаббати қизиқтирган эди: “Кейинги текширишлар шуни кўрсатдики, у (яъни, Навоий — И.С.) кимлиги биз учун номаълум бўлиб келаётган бир қизни севган. Қиз ҳам унга ёмон муносабатда бўлмаган, илтифотлар кўрсатган. Афсуски, қиз эрта вафот этган. Қизнинг вафоти Навоийдан олисда рўй берган. Шу кўнгилсиз фожиадан кейингина Навоий ўзининг унга бўлган муҳаббати чексиз ва беқиёс (таъкид бизники) эканини билиб қолган. Бу муҳаббат ўти унинг қалбида умрининг охиригача сўнмаган. Шу сабабли, шоир ўзининг биринчи муҳаббатига содиқ қолган — уйланмай ўтган. Унинг:

Бор эди, ул ҳамки,
бир чоғ бизга ёре бор эди,
Куллий ар ёр ўлмаса,
филжумла боре ёр эди… —

матласи билан бошлангувчи ғазали фикримизни маълум даражада тасдиқлай олади. Ғазалнинг охирроғида:

Гўйиё шукр этмадимким,
онсиз ўлмишмен бу дам,
Ул қуёшимни ёшурғон
чархи кажрафтор эди… —

деган байти ҳам бор. Алишер Навоийнинг, афтидан, ўша қиз вафоти ҳақида хабар келиши муносабати билан ёзилган қуйидаги рубоийси ҳам бу жиҳатдан жуда характерлидир:

Ёшунғон эмиш қаро булутқа моҳим,
Гардунни совурмоқ эрур дилхоҳим.
Кирмиш қаро тупроққа қуёшдек шоҳим,
Невчун қаро қилмасун қуёшни оҳим…”

Биз муҳтарам алломаларимизнинг ишончли ҳаётий мантиққа суянган ушбу фикр-мулоҳазаларини тўла қўллаб-қувватлаймиз. Келтирилган мисоллар рад этиб бўлмайдиган ҳақиқатлар экани аён.

Яна шу рубоий ҳақида. Бадиҳа йўсинда айтилган, дил пораси бўлган рубоий шоирга жуда азиз экани кўриниб турибди: рубоийни шоир икки ёшлик девони — “Бадоиъ ул-бидоя” билан “Наводир ушшабоб” девонларига киритади. Севги ёшида, мактабда ўқиб юрган паллаларда юз берган ҳодисадир (эҳтимол)... Ёшлик девонларига киритилгани ҳам шундан, албатта.

Яна шуниси, эътиборлики, ушбу рубоий шоирнинг “Муншаот” китобида ҳам берилган. Шоир мусибат юз бергандан сўнг, яқин дўстига фиғон чекиб мактуб ёзади. Мактуб шу рубоий билан бошланади, сўнг бунга қаноат қилмай, шоир шундай сўзларни битади: *“...Жигарни қон қилгувчи ҳодиса юз бердиким, афгорлиғ бошима етишти. Кўз ашк тўфонидин баҳор ёмғуридек сели андуҳ оқизди, жон ғусса фиғонидин ўкурмакка турди!*

Аммо, чун “куллу заиқату-л-мавт” (ҳамма ўлим шарбатини тотади) шарбатидин... ҳеч кимарса халос эрмас... сабрдин ўзга чора ва таҳаммулдин ўзга тадбир йўқ...”

Шоирнинг ғазалларидан бирида ҳам фикримизга ҳамоҳанг, армонли дард сизиб турган бир сатр мавжуд:

Менда ҳам бир бор эди чобуксувор,
эй дўстлар...

Шоирнинг бир умрлик айрилмас дўсти Султон Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийнинг уйланмаслигига сабаб, унинг “этаги поклиги”, нафсоний шаҳват, ҳирсга майли йўқлиги, ахлоқ жиҳатидан жуда юксаклиги, бутун борлиғи билан илму шеъриятга берилганлигидан, деб билади. Алишернинг ростлиқ — иши, поклик — фани эди, деб ҳисоблайди Хуросон подшоси.

Айтилганлардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкин: ҳазрат Навоий вафодор инсон сифатида улуғланиши, садоқат бобида бизларга, айниқса, ёшларимизга намуна мақомида шарафланиши керак... Чунки у ишқда ҳам вафодор, дўстга содиқ, жами фазилатлари ҳайратланарли даражада инсонийдир! Барчасини чуқур ўрганиб, эл ичида ёйиб, ижоди билан бир қаторда шахсини ҳам улуғлаб, ёлғиз ўтган, деб ёзишдан тийилмоғимиз керак... Уни ёрига бир умр садоқат кўргизган вафодор инсон сифатида, **“бир неча кун умрдин топсам амон, шарҳи ишқим назм этай бир достон”**, деб орзу қилган, аммо ўзига ёзиш насиб этмаган ишқ достонларини биз авлодлари яратишимиз керак! Ул зотни таърифлаганда: “Буюк шоир ва мутафаккир, аллома ва катта давлат арбоби, бунёдкор ва ҳомий, халқ ғамидан ғами кўп бўлган Инсон эди, оилавий ҳаёти миллатимизнинг фидойилик рамзига айланган, ул зот бир қизни севган, лекин қиз бетобликдан (бу, тақдир!) олам дан кўз юмган, ўша муҳаббатига садоқат кўргизиб дунёдан ёлғиз ўтган буюк сиймо, меҳр ва вафо тимсоли эди!” дейишимиз муносибдур. Ахир у содиқ муҳаббати билан бизга сабоқ бермоқда. Бу халқимизга, айниқса, ёшларимизга, келажак авлодларга фахру ифтихор, чексиз ғурур бахш этади.

Бу ҳақда ҳазрат Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида Ширин тилидан шундай ифодалаган эди:

Менга не ёру не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур!..

Мутафаккир бобомиз, ўзбек халқи фарзанди, ҳазилни яхши кўради, хушчақчақ, ҳаётсевар шоир, унинг шеърларида инсон ҳолатининг минг бир хил кўринишлари ўз аксини топган. Шоирнинг асарларини ўқиб, руҳингга мадад оласан, эртанги кунга умидинг ортади. Кейинги пайтларда ҳазрат Навоийни кўпроқ тасаввуф нуқтаи назаридан ўрганишга даъватлар пайдо бўлмоқда, очиғи, тасаввуф соҳилига чиқариб қўйишга интилишлар кўринмоқда.

Шуни айтиш керакки, тасаввуф — шеърият осмонида доимо эсиб турадиган ҳаётбахш насим, тонгги шабада... Доим шеъриятга тароват бағишлайди. Асли ҳамма даврларда ҳам Аллоҳнинг мўъжизаси бўлган шеърнинг ярми — тасаввуф бўлган. Ҳозирги замон шоирларида ҳам тасаввуф оҳанглари сезилиб туради ва доим шундай бўлишига шубҳа йўқ. Тасаввуф туйғулари қонимизда бор.

Алишер Навоий қандай шоир? У — лирик шоир, фалсафий шоир, эпик шоир. У — коинот шоири! Агар ҳазрат Навоийни тасаввуф шоири десак, уни чеклаб, шоирнинг жаҳоний кўламини торайтириб қўйган бўлмаймизми? Йўқ, у дунёвий шоир! Тарихда кўп шоирлар осмонни куйладилар, кўп шоирлар эса Ерни. Алишер Навоий ўз дурдоналари билан Осмон ва Ерни бирлаштира олди. Бу ҳаммага ҳам насиб этган қисмат эмас.

Ҳазрат Навоийнинг тасаввуф руҳидаги шеърлари жуда кўп, лекин бу уни тасаввуф шоири, дейишга ҳуқуқ бермайди...

Қани, улуғ аждодимизнинг ўзига мурожаат қилайлик-чи. Бу ҳақда қандай фикрлар билдирар экан?

Алишер Навоий қаламига мансуб “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг “Назм гулистонининг хушовоз қушлари тўғрисида” бобини очиб, ўқиймиз: *“Улар (яъни хушовоз қушлар — шоирлар) бир неча гуруҳдир. Биринчи гуруҳи — илоҳий маърифат хазинаси жавоҳирлари билан бойиган ва халқнинг таърифига эҳтиёж сезмаганлар бўлиб... ишлари маънолар хазинасидан жавоҳирлар йиғмоқ ва у жавоҳирларни эл эзгулиги учун назм ипига термоқлидур. Назмларининг ифодаси ниҳоятда ёқимли ва улуғдир. ...шундай табаррук каломларки, ҳурмат юзасидан уларни шеър дейишга элнинг тили бормайди (яъни, шеърдан баланд). Шарофатли зотлар гуруҳининг ...энг биринчиси ва энг сараси... мўъминларнинг амири ҳазрат Алидурларким, Ҳақ у кишидин рози бўлсун ва юзларини ёруғ қилсун... Бу ажойиб зотлар гуруҳига мансуб бўлганлар... форсий ибора билан сирлар гавҳарини тизувчи Шайх Фаридуддин Аттор; “Маснавий”ни ёзувчи... Мавлоно Жалолиддин... Румийлардур. Буларнинг шеър ёзишдан мақсади илоҳий сирларни баён қилмоқ ва чексиз маърифат тарқатмоқдур”.*

Ҳазрат Навоий иккинчи ва учинчи гуруҳлар ҳақида тўхталади. Уларда Саъдий Шерозий, ишқ аҳлининг садоқатли ошиғи Амир Хусрав Деҳлавий, тасаввуфда нозиклик ва мушкуллик чигалин ечувчи Шайх Саноий, Шайх Авҳадиддин, сўз билан ҳар қандай чуқур маъноларни ифода қилган Ҳожа Шамсиддин Муҳаммад Ҳофиз, Ҳоқоний Шервоний, Салмон Соважий ва бошқа шоирларни эслаб ўтади.

“Яна, — деб ёзади Навоий, — ҳақиқат, инсоний севгини мадҳ этиш йўлида камолга эришган, илми ҳар икки йўлда ҳам мукаммал ва бекаму кўст бўлган, назм аҳлининг пешвоси ва раҳбар устози ҳазрати шайхулислом... Абдураҳмон Жомийдурларким, биринчи гуруҳ равишида сўзи шарафли ва сўнгги гуруҳнинг ҳам услуби гўзалликларида камол эгасидурки, дунёдаги илоҳий ҳақиқат шайдолари ҳам, пок инсоний ҳақиқат аҳллари ҳам буларнинг латиф ва маънодор сўзлари билан хушнуддурлар ва тарқатган маърифатлари билан ҳузур қиладурлар”.

Демак, Алишер Навоий жаҳон шоирларини уч гуруҳга ажратади, биринчи гуруҳ — “илоҳий маърифат хазинаси билан бойиган”, яъни тасаввуф шоирлари экани маълум бўлади.

“Маҳбуб ул-қулуб”нинг “Ишқ тўғрисида” боби ниҳоятда маъноларга бойлиги билан диққатни ўзига тортади. Бобни кўздан кечирар эканмиз, мутафаккир шоирнинг кенг фикрлагани, маънолар мазмунини теран идрок этганини кўрамиз ва ёқа тутамиз. Бунда нозик ва тансиқ неъмат — Ишқ ҳақида сўз юритилади, ишқнинг порлоқ юлдуз экани, башарият кўзининг нури, инсоният тожининг зийнати эканлиги таърифланади. Шоир ишқни уч қисмга бўлади. *“Биринчи қисм — оддий одамлар ишқи бўлиб, халқ орасида машҳур ва кенг тарқалгандир, — дейилади бобда. — Айтадиларки, “фалон одам фалончига ошиқ бўлибди”. Бу хилдаги одамлар кимгадир ошиқ бўлиб, изтироб чекиб, шунинг хаёли билан юрадилар...*

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Халқаро Алишер Навоий олтин медали соҳиби.

Учинчи қисм — сиддиқлар — ҳақгўйлар ишқи бўлиб, улар Ҳақнинг жамолини очиқ кўриш умиди билан яшайдурлар ва шунинг билан матлубдурлар. Улар Ҳақни кўз билан мушоҳада қилиш умидлари ўзни унутиш даражасига етган ва бундан ҳам ўтиб, ҳалок бўлиш мақомига кўтарилган бўладурлар...”

Иккинчи қисм ҳақида шоир батафсил тўхталиб, дейди: *“Иккинчи қисм — алоҳида фазилат эгаларига хос ишқ... бу хос ишққа мансуб шахслар пок кўзни пок ният билан пок юзга соладилар ва пок кўнгил у пок юзнинг шавқи-завқи билан беқарор бўлади... Ишқ аҳлининг покбозлари... ишқ оташхонасининг самандари ва завқу ҳис водийсининг пок йўловчиси Амир Хусрав Деҳлавийдурким, унинг нафаси ҳам пок, гап-сўзи ҳам пок, ҳар бир лафзию ундаги маънолар ҳам пок... Яна ишқ аҳли орасида кам учрайдиган, беназир ва ягона... Шайх Ироқий... Булардан сўнг икки дунёни бир дов билан ўйинга тиккан қиморбоз тахлит покбоз ва ишқнинг фонийлик майхонасида ҳақиқат майидан маст бўлган риндлар сирдоши, миллат ва диннинг қуёши Ҳожа Ҳофиз Шерозий...”*

Ҳазрат Навоийнинг устод Абдураҳмон Жомий ҳақида жуда баланд пардаларда келтирган, меҳр ва эъзоз туйғулари уфуриб турган таъсирчан сўзлари ўқувчини жўштириб юборади. Бу устозга бўлган катта ҳурмат ва эъзоз намунасидир. Бобни ўқишда давом этамиз: *“Дунё ва охиратни бир оҳ билан ўртаган, пок ошиқлар бошлиғи, Ерда фаришталар оламида яшовчиларнинг шайхулисломи, тўғри йўлга бошловчи улуғ зот, миллат ва диннинг нури Абдураҳмон Жомийдурким, гарчи у кишининг мақтови назмга нисбат беришдан юқорироқ... шеъриятнинг ҳар бир услубида мислсиз эдилар... ҳар бир шеър билан оламга ўт сочган... дард аҳлларининг жонини ва кўнгил оламини куйдирган эдилар...”*

Алишер Навоий олдин яшаб ўтган барча улуғ устозлар ҳурматини жойига қўйгач, ўзи ҳақида ҳам камтарлик билан бир неча сўз айтишга журъат этади: *“Яна, у Ҳазратнинг (яъни Жомийнинг) муҳаббат қадаҳидан ичиб, тўғри йўл кўрсатишидан фонийсифат бўлган, дард ва ишқни (таъкид бизники) туркий тилида ҳарорат билан ифодалаб, турклар ўртасида ўз ижоди билан ҳаяжон ва сўртлар орасида офат кўзғотган кимса (яъни, Алишер Навоийнинг ўзи) ҳам бор...”*

Кўринадики, ҳазрат Навоий Амир Хусрав Деҳлавий, Шайх Ироқий, Ҳожа Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомийни ишқ куйчилари, деб атайди ва ўзини ҳам шу қисмга мансуб, деб ҳисоблайди. У — Ишқ куйчиси! Тасаввуф ҳақида, албатта, бу ерда сўз йўқ.

Алишер Навоий ишқ шоирлари ҳақидаги фикрларини умумлаштириб шундай хулосага келади: номлари зикр қилинган шоирларнинг ижод қилишдан мақсадлари — ишқни тасвирлашдур. Ошиқнинг шавқи ва дард-ҳасратининг алангаси, ялиниш-ёлвориш ҳолати, ишқнинг дарду бало чақинидандур, улар ўзининг ишққа мансублигини изҳор қилмоқ учун куйиб-ёнадилар, кўтарган ваҳималари ҳам ваҳима эмас, балки ишқ йўлида мағлуб бўлганини наъра тортиб билдирмоқдур... Охир-оқибат мақсад-муддаолари эса ишқ оламида ошиқликнинг оғир аҳволини, маъшуқнинг беқиёс даражада гўзаллигини тавсифлашдан иборат...

Айтилганлардан келиб чиқиб, ҳазрат Навоий, умуман, шеърий сўз, шеърият, унинг вазифаси ҳақида мутафаккирона фикрини шундай баён қилади: *“...Шеърий сўз — шу мазмунда (яъни, ишқ мазмунида) тараннум этилиши лозим, бундан ўзгача бўлса, у афсонадур. Асл сўз — ишқ ҳақидаги сўздур. Кўнгилда ҳаёт нашъаси бўлса, бу ишқнинг ўзидур!”*

Алишер Навоий — шунчаки тарихий сиймо ёки шоир эмас, у турган-битгани сирли олам бўлиб қолаверади ва бизни ўз ҳузурига чорлайверади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 248. 30 639 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 23.00

1 2 3 4 5 6